

## Индивидуал Жавобгарлик Режаси (IRP)

WorkFirst Индивидуал Жавобгарлик Режаси \_\_\_\_\_

JAS ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ	ИШ РАҚАМИ
МИЖОЗ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ	

Мен тушунаманки:

- Мендан ишлаш, иш қидириш ёки ишга тайёргарлик кўриш талаб этилади.
- Мен талаб этилган фаолиятларда иштирок этишим шарт. Агар рад этсам ва жиддий сабаб туфайли иштирок этмаганлигимни исботламасам, менга жарима солинади. Бу WorkFirst санкциясига тушиш ҳолати деб номланади.
  - Агар менга санкция қўйилса, бу қуйидагиларни англатади:
    - Менинг грантим 40% га ёки бир шахс улушига, қайси бири каттароқ бўлса, ўшаниси камайтиради, ЁКИ:
    - Агар мен ходимлар ёки уй-жойга ташриф буюриш/альтернатив ташриф буюриш каби қоидаларни бажармаслик ишида иштирок этмасам, менинг грантим ёпилади.
  - Агар менинг грантим WorkFirst санкциялари сабабли камайса:
    - Мен санкциядан чиқишим учун ИЖР-ни уч ҳафта кетма-кет амалга оширишим шарт.
    - Кетма-кет уч ҳафта ичида мендан талаб этилганини бажарсам, тўрт ҳафталик иштироким яқунланиши билан менинг санкция жаримам кейинги ойдан бошлаб оширилади.
    - Агар мен санкцияда кетма-кет икки ой бўлсам, менинг ишим ёпилиши мумкин.
  - Агар менинг ишим WorkFirst санкциялари сабабли ёпилса:
    - Нақд пул олишдан аввал, мен қайта ҳужжатлар топширишим ва кетма-кет тўрт ҳафта фаолиятларда иштирок этишим керак бўлиши мумкин.
    - Уч (3) мартаба санкция иши ёпилиши сабабли мен TANF/SFA Мухтож Оилаларга Нафақа олишдан доимий чиқиб кетишим мумкин.
- WorkFirst санкцияси сабабли менинг ишим \_\_\_\_\_ марта 2007 йил 1 мартдан бошлаб ёпилди.
- TANF/SFA Мухтож Оилаларга Нафақасини олиб келар эканман, ҳамкорлик қилмасликка жиддий сабаб бўлмагунча, мен Болаларни Қўллаб – Қуваатлаш Бўлими билан ҳамкорлик қилишим шарт. Болалар нафақасини мувафақиятли жамлаш, менинг нақд пул эҳтиёжимни қондришда кўмак бўлиши мумкин.
- Агар менинг номзодлигим лойиқ деб топилмаса, мен умрим давомида фақатгина 60 ой давомида TANF/SFA Мухтож Оилаларга Нафақасини олишим мумкин.
- Мен \_\_\_\_\_ ойлик нақд пул ёрдамини олдим.
- Мендан ишлаш, иш қидириш ёки ишга тайёргарлик кўриш талаб этилади. Агар мен жадвалдаги фаолиятда иштирок эта олмасам, мен қуйида берилган рақамга кўнгирак қилиб, масъул шахсни чақирим лозим.
- Мен ҳар ҳафта берилган вақт ичида қуйида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишим керак:

Менинг режаларимни амалга оширишга қаршилиқ қилувчи жиддий сабаблар бўлса, тез вақт ичида мен WorkFirst дастури мутахассиси/Ижтимоий Орган ишчиси билан боғланишим ва у билан ишлашим шарт. Жиддий сабаблар ичига қуйидаги айрим мисоллар киради:

- Касаллик ёки боламга ғамхўрлик қилишда қутилмаган тасодиф ёки транспорт қийинчиликлари сабабли учрашувни ўтказиб юборсам;
  - Фавқулотда ҳолат (жисмоний, руҳий ёки эмоционал) юз берса;
  - Мен оилавий зўрлик қурбони бўлсам;
  - Мен яшаб турган жойимда 13 ёшдан кичик бўлган болаларга қаровчи қармонбоп, муносиб энага топа олмасам;
  - Мен фавқулотда қонун билан боғлиқ муаммоларга дуч келсам;
  - Менда инвалидлик бўлиб, ёки маълум ҳолатлар рўй берса ва шу сабаблар дастур талабларини бажаришимга ҳалақит берса; ёки
  - Мен катта ёшдаги одам бўлиб, менда оғир ва сурункалик касал мавжуд бўлса;
  - Агар менинг уйимда алоҳида кўмакка мухтож бола ёки бошқа катта ёшдаги инвалид инсон мавжуд бўлса;
  - Менинг ёшим 55 да ёки ундан зиёдроқ ва болага қараб ўтирсам ва мен ўша боланинг ота-онаси бўлмасам; ёки
  - Мен Ночорлар учун Қўшимча Нафақа олиш дастурига DSHS ташкилоти орқали ҳужжатлар топширган бўлсам.
- Агар мен ушбу режага рози бўлмасам, мен ишни кўриб чиқиш ва/ёки маъмурий органда кўриб чиқиш ҳуқуқига эгаман. Ишимни кўриб чиқишни талаб этиш учун мен Ижтимоий Хизматлар Office of Administrative Hearings, DSHS, PO Box 42489, Olympia WA 98504-2489 манзилига, менинг ишим бўйича масъул шахс қуйида имзо қўйгандан сўнг, 90 кун ичида мурожаат қилишим шарт. Менга Индивидуал Жавобгарлик Режасининг нусхаси берилди. Эшитиш давомида, мен ўзимни ўзим ҳимоя қилиш, вакил томонидан ҳимояланиш ёки мен танлаган истаган шахс томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаман. Мен Координацион Юридик Маслаҳатлар ва Кўриб Чиқиш Идораси (КЮМКЧИ) билан боғланиб, бепул юридик маслаҳат олишим ёки вакил томонидан ҳимояланишим мумкин:
- Уларнинг веб-сайтига ташриф буюринг <http://nwjustice.org/get-legal-help>;
  - Агар мен 60 ёшгача инсон бўлсам, қуйидаги рақамга кўнгирак қилишим лозим 1-888-201-1014, ёки
  - Агар мен 60 ёшда ёки ундан ошган инсон бўлсам, қуйидаги рақамга кўнгирак қилишим лозим 1-888-387-7111.

CASE MANAGER'S SIGNATURE	DATE	МЕНИНГ ИМЗОИМ	САНА
--------------------------	------	---------------	------

JAS идентификацияси	ИШ РАҚАМИ	МИЖОЗ идентификацияси	
<b>МАХФИЙЛИК ШАРТЛАРИ</b>			
<p>Иш жойимда кўтарилиш учун, ишимни сақлаб қолиш учун, ишни қабул қилиш учун, иш излаш учун ёки режамни амалга оширишда ёрдам олиш учун қўллаб – қувватлаш хизматиларидан фойдаланиш имконига эгаман. Агар мен қўллаб – қувватлаш хизматилари қарори билан рози бўлмасам, мен ишни кўриб чиқиш ва/ёки судда эшитишни сўраш имконига эгаман. Агар мен қуйидаги қўллаб – қувватлаш хизматиларига мухтож бўлсам, WorkFirst дастури мутахассиси / Ижтимоий Орган ишчисига муурожаат қиламан:</p>			
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Машинани созлаш</li> <li>• Кийим кечак</li> <li>• Психологик маслаҳат</li> <li>• Тагликлар</li> <li>• Таълим харажатлари</li> <li>• Шахсий гигиена</li> <li>• Лицензия/тўловлар</li> <li>• Сочни олдириш</li> <li>• Автобус йўл харажати</li> <li>• Автомобиль миллари</li> <li>• Меҳнат асбоблари</li> <li>• Оилани режалаштириш</li> </ul>			
<p>Мен санкция остида эканман, ИЖР-га риоя этишни бошламасам, қўллаб – қувватлаш хизматиларидан (ишчи кийим-кечаклари ёки транспорт харажатлари каби) фойдалана олмайман.</p>			
<p>Мен шуни тушунаманки, агар мен жиддий сабабларсиз Болаларни Қўллаб-Қувватлаш Бўлими (БҚҚБ) билан ҳамкорлик қилмасам, менинг грантим камайтиради. Жиддий сабаблар ичига менинг болаларим ёки ўзимга зарар тегиши ҳавфи киради. Мен шуни тушунаманки, Мухтож Оилаларга Нафақа кўмагини олар эканман, қабул қилинган ҳар қандай болалар нафақаси, давлат учун қайтиб тўланиши керак бўлади.</p>			
<p>Агар мен TANF/SFA Мухтож Оилаларга Нафақасини олишни тўхтатсам, БҚҚ Бўлими болалар нафақасини жамлайди ва мен уни тўхтатишни сўрамасам, менга жўнатишда давом этаверишади. Мен қўллаб – қувватлаш хизматилари, санкциялар ва болалар нафақаси нима эканлигини англаб етаман.</p>			
CASE MANAGER'S SIGNATURE	DATE	МЕНИНГ ИМЗОИМ	САНА